

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 131 (10.940)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Давлат солиқ кўмитасида «Солиқ сиёсатини либераллаштириш — тadbиркорликни ривожлантириш кафолати» мавзюда кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятдан 450 нафар тadbиркор қатнашди. Семинар сўнгида «Энг яхши солиқ тўловчи» танлови голиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

● Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташаббуси билан Фарғонада Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Тadbир якунида республикамиз олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот марказларининг олимлари ҳамда аспирантлари томонидан тайёрланган илмий маърузалар тинланди.

● Қарши шаҳрида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг малякасини оширишга бағишланган навбатдаги худудий ўқув семинари ташкил этилди.

● Самарқанд шаҳридаги ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида «Соғлом авлод — келажакимиз гарови» шиори остида «Миллий ғоя тарғиботи ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» мавзюсида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳридаги Санъат коллежида Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги олдида миллатларга тотувликни, дўстликни, бағрикенгликни тараннум этувчи фото ва тасвирий санъат кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

● «Сурхондарётелеком» филиалига қарашли Кумқўрғон телекоммуникация боғланмасида модернизациялаш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу ишлар ниҳоясига етгач, қишлоқ хонадонлари телефонлари марказий АТСга уланиши натижасида алоқа сифати яхшиланиб, 15 киши ишли бўлади.

● Зомин миллий боғи маълумотларига кўра «Қизил китоб»га киритилган ва кейинги йилларда йўқ бўлиб кетган ноёб ҳайвон — қор қоплони ушбу худудда яна пайдо бўлди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Нью-Гемпшир штатидаги «American Research Group» тадқиқот ташкилоти томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 45 фоизи АҚШ Президенти Жорж Бушга импичмент эълон қилишни тарафдори экан. Шунингдек, сўровда қатнашганларнинг 54 фоизи Ироқдаги урушнинг бош «архитектору» вице-президент Дик Чейнига импичмент эълон қилишни хоҳлар экан. Маълумотларга кўра ушбу сўров 1100 нафар америкалик орасида ўтказилган.

● Польшада «Самооборона» партиясининг раҳбари ва бош вазир ўринбосарининг истеъфога чиқарилиши муносабати билан ҳукумат таназзули юзага келди. Натижада бутун ҳукумат истеъфога чиқарилиши ҳамда тез орада муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилиши мумкин.

● Россия Федерал хавфсизлик хизмати ўтган асрнинг 20 ва 50-йилларида амалга оширилган оммавий қатагонга оид махфий ҳужжатларни ошкор қилмоқда. Эндиликда ҳар ким ўзи қизиққан маълумотларни архивдан олиб, танишиши мумкин.

● Лондоннинг ICE қитъаларо биржасида бир баррел нефть баҳоси 76,1 доллар қийматига баҳоланди. Бу 2006 йил 11 августдан буён энг юқори кўрсаткичдир. Ўз навбатида, Нью-Йорк биржасида ҳам нефть баҳоси 10 центга ошди. Нефть нархининг бундай ошиши Нигериядаги тартибсизликлар туфайли юзага келди.

● Грецияда полициячилар томонидан одам савдоси ва бошқа шу каби оғир жиноятларни амалга ошириб келган 11 нафар халқаро гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

● Кеча Британияда шу йилнинг январь ойида Ла-Манш бўғозига сувга фарқ бўлган «Наполи» кемаси юқорига чиқариб олинди.

● Кеча Франция пойтахти Париж шаҳрида «Туризм куни» байрами ўзига хос тарзда нишонланди.

● Украинанин Олесса шаҳрида НАТОга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.

● Индонезияда парранда гриппдан олти ёшли бола ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг билдиришича, лаборатория таҳлиллари боланинг ўлимига парранда гриппи вируси (H5N1) сабаб бўлганлигини тасдиқлаган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, айни пайтатга ушбу хасталиқдан 170 нафардан ортиқ киши вафот этган бўлса, шулардан 81 таси Индонезия фуқароси ҳисобланади.

● Япониянинг «Ниссан» автомобиль компанияси Санкт-Петербургда янги завод қуришни бошлади. Қурилиш ишлари келаси йилнинг куз ойларига бориб яқунлади ва режаларга кўра 2009 йилнинг биринчи чорагидан конвейердан машиналар чиқа бошлайди. Бу лойиҳа учун корпорация 200 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди.

ҲАМКОРЛИК ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЦЗИНЬ ЖЕНЬЦИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда фаоллик олиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Сиз раҳбарлик қилаётган делегация таркиби ҳам Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигиндан далolat беради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Ўзаро муносабатлар аниқлаш дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао 2004 йили давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2005 йилда давлат ташрифи билан Хитойга борди. Ташриф асосида ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қиладиган дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитлари доирасида ҳам муносабатларни кенгайтиришга ҳар қанча эҳтишом билан қўл қўлади.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қўлайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 698 миллион, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида 226,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўша корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил санoат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фоизсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит лиъзоси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа қўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ долларига тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссияси муносабатларни янада кенгайтиришнинг янги имкониятларини юзага чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вақил иштирок этди.

Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда ташкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир. 2006 йили ўтган ярмаркада Хитой компаниялари билан 250 миң тоннадан ортиқ пахта толасини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди.

Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мос тарзда жадал ривожланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Цзинь Женьцин самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини, аниқлаш дўстлигини мустақамлаш ва шериклик алоқаларини янада фаоллаштириш учун ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЦЗИНЬ ЖЕНЬЦИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА 9 ИЮЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-санoат палатаси ва ХХР Халқаро савдога қўмаклашиш кўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тadbирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо-санoат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, нефть-газ, қурилиш, машина-созлик, кимё, энгил санoат, тўқимачилик, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.


Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодийётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди.

Хитой мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қариб 698 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-май ойларида эса ўтган йилдан анча зиёда бўлиб кетди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар



МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР САМАРСИ, АЛБАТТА ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ БУНЁДКОРЛАРИ БЎЛГАН ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА, ЎГИЛ- ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ПУХТА БИЛИМ ОЛИШЛАРИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШДА ЎЗИНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА.

Мустақиллик иншоотлари

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Бунёдкорларнинг шижоатли меҳнатлари эвазига қад ростлаб, кундан-кунга чирой очаётган, минглаб ўғил-қизларини ўз бағрига олаётган, уларнинг ҳар томонлама униб-ўсишига, илм олиб, ҳунар эгаллашига муносиб замин бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фикримиз далилидир. Пойтахтимизда шу кунларда яна бир янги академик лицей қад ростламоқда, ушбу замонавий ва қўрқам бино Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида битказилиб, фарзандларимизга ажойиб соғва бўлади. Бу бино Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Информатика институтига қарашли Компьютер технологиялари академик лицейи бўлиб, айни долзарб паллада қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошираётган

бош пудратчи ташкилот — «Жанубгазурилик» очик акциядорлик жамияти бунёдкорларининг қўли-қўлига тегмапти. Қурилиш майдонидаги ишлар икки сменада ташкил этилган бўлиб, монтажчи, пайвандчи, сантехник, гишт терувчи, пардозловчи, қўйинги, барча қурувчилар маъсулятияти ҳис этган ҳолда ўз вазифаларини сидқидилдан удралашмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, академик лицейи фойдаланишига топширилган, у 450 ўқувчини ўз бағрига олади. Бунёдкорлар тер тўкиб ишлаётган замонавий ўқув биноси, 100 ўринга мўлжалланган кулай ва шинам ётоқхона, кенг ва ёруғ спорт залида ўқувчиларнинг билим олишлари

Шу ўринда Сайфи Худудиев, Неъмат Очилов, Хайрулла Ибодов, Рустам Юсупов сингари бунёдкорлар меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. Дилимиздаги эзгу ниятимиз ўзи ваъдამизни вақтида бажариб, Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлол шодибаналарини ёруғ юз билан қутиб олиш, лицейда тахсил олувчи фарзандларимизга байрам туғфасини тортиқ этишдир.

Шариф ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: академик лицейи биноси қурилишида гайрат кўрсат- таётган қурувчилар меҳнатидан ла- вахлар.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 5-мукасида мактабда, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан маданият уйлари бадийи ҳаваскорлик жамоалари иштирокида «Ўзбекистон — Ватаним» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармасининг Якка-

сарой туман бўлими раҳбарлигида туман маҳаллаларининг фаоллари Ҳастимом мажмуасига экскурсия уюштиришди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактаб қошида ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган кўчама спорт уйинларида «Истикбол», «Мажнунтол» маҳаллалари жамоалари ўзаро белаляди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташаббуси билан ташкил этилган «Оренбург-Тошкент-Оренбург» йўналишидаги ҳаво лайнери Тошкент аэропортига қелиб қўнди.

● **КАМОЛОТ** ЕИХ Юнубов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан 206-мактабга таълим муассасида тарбияланувчилар ўртасида ўтказилган кўчама спорт уйинлари «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС ФОРУМИ

Анжуманда Хитойнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси вакиллари иштирок этди. Хусусан, «Hangzhou Textile Machinery» (ипакни қайта ишлаш усуналари), «Jiangsu Huangpu Investment (Group)» (сармоя компанияси), «Jiangsu Changfa Industrial Group» (қишлоқ ҳўжалиги техникаси, двигателлар, совутиш қурилмалари), «Zhejiang Senken Industrial Stock» (автомобиль савдоси), «Jiangsu Yueda Yancheng Tractor Manufacturing» (трактор ишлаб чиқариш) каби компаниялар Ўзбекистон бозорига ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Тadbирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, нефть-газ, банк-молия тизими, машинасозлик, қурилиш, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат ва энгил санoат соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, жумладан, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофича муқоама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро музокаралари бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалиги, электротехника, энгил санoат, қурилиш ва машинасозлик каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Шу кунги хитойлик меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида хикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Меҳмонлар Мустақиллик ва зағулик мунументини бориб кўрдилар. Улар мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимиз Тошкентда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Цзинь Женьцин Ўзбекистонга ташрифи асносида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ҳам зиёрат қилди. Қадим шаҳарларимизда, айниқса, ўзининг 2750 йиллик юбилейига тайёргарлик қўраётган Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари унутилмас таассурот қолдирганини мамнуният билан таъкидлади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

БОШ ПРОКУРАТУРА ИЙГИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ПРОКУРОР-ТЕРГОВ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОКИДА СЕМИНАР-ИЙГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ийгилишни Бош прокурор Р. Қодиров бошқарди.

Ийгилишда Бош прокуратура мақамасининг ходимлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга жорий йилнинг 29 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган "Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида"ги қонунларнинг маънавий-маърифий аҳамияти ва уларни қўллаш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди.

Шу ўринда, қабул қилинган мазкур қонунлар Республика Президенти Ислам Қаримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг узвий ва мантқий давоми эканлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашни янада кучайтиришга қаратилганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот марказидан хабар қилишларича, ийгилишда асосий эътибор қабул қилинган қонунларни

амалиётда татбиқ этиш жараёнида вужудга келадиган мунозаравий масалаларга қаратилиб, ийгилиш иштирокчиларининг бу борадаги саволларига Бош прокуратуранинг маъсул ходимлари томонидан батафсил жавоб берилди.

Шу билан бирга, жойларда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва улим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни амалда татбиқ этиш тартибининг жойларга бир хилда етказилиши бўйича тадбирлар режаси маъқулланди.

Бош прокурор ийгилишда қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўлланиши тартиби юзасидан жойларда прокуратура ходимлари ўртасида семинар машғулотлари ташкил этиш ҳамда бу борада аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказишга оид кўрсатмалар берди.

(ЎзА)

ОТБ НАВБАТДАГИ КРЕДИТИ

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОНГА 20,7 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЯНГИ ЗАЁМНИ АЖРАТДИ.

Мазкур кредит маблағи "Давлат молияларини бошқариш ислоҳоти" лойиҳасини татбиқ этишга йўналтирилади. Лойиҳа тўрт йил давомида Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

— Лойиҳа давлат молия захираларини унумли фойдаланиш, режалаштириш жараёнини яхшилангани ва бюджетнинг самардорлигини ошириш имконини беради, — деди ОТБ Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари, мазкур лойиҳа бўйича гуруҳ бошлиғи Хонг Вей. — Лойиҳа давлат молияларини бошқаришнинг учта асосий қисмини қамраб олган. Республикадаги бюджет ташкилотлари ва солиқ идораларига хизмат кўрсатувчи газначиликнинг минтақавий бўлинмаларини ташкил этиш, давлат молиялари ва телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўйича ахборот тизимларини яратиш орқали

газначилик операцияларини такомиллаштириш, бухгалтерлик ҳисоботларнинг марказлашган тизими орқали лойиҳани бошқариш, мониторинг ва баҳолаш шулар жумласидандир.

ОТБнинг наватдаги кредити Ўзбекистонга давлат молияларидан унумли фойдаланиш ва режалаштириш ҳамда газначиликнинг замонавий тизимини татбиқ этиш имконини беради. Лойиҳанинг 37,4 миллион доллари банк захираларининг оддий маблағларидан ажратилди. У тўрт йиллик имтиёз билан 25 йилга берилган.

Осиё Тараққиёт Банки томонидан ўн йил мобайнида Ўзбекистонга 23 та лойиҳа бўйича 974, 9 миллион доллар миқдорда кредит ажратилган, шундан 30,4 фоизи таълим соҳасига тўғри келади.

Дилноза АБДУКАРИМОВА, "Туркистон-пресс"

Иқтисодиёт ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁ) АСОСИДА

ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА СИФАТЛИ, КЎРМ, БЕЖИРИМ ПОЙАБЗАЛ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА. ШУНИ ЯХШИ АНГЛАГАН ТАДБИРКОРЛАР ЧЕТДАН КИРИБ КЕЛАЁТН ШУ ТУРДАГИ ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН ҲАРИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАНИ. ҲАРИМНОРЛАР ИШОНЧНИ ОРТТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА.

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Fis» маъсуляти чекланган жамияти харидорғираҳ-масулотлари билан ички бозоримизда муҳимроин эғаллаб келмоқда. Мазкур корхона аҳли «fis» савдо белгиси остида теридан эркак, аёл ида болажонларимиз учун мавсумий чиройли, чам-ли пойабзал ишлаб чиқаради.

Республика Моделлаштириш уйи сифатиҳам яхши танилган мазкур жамият аъзолари оёй-имлар тайёрлашда сифатли маҳаллий териах-сулотларидан самарали фойдаланишади. Цинг-дек, пойабзаллар учун жаҳон андозалари жа-воб берадиган Италия, Россия ҳамда Туркида-латларининг бежирим тагликларидан фойдани-шади. Эътиборли томони, пойабзалчилар ҳсу-лотларини савдо шохобчаларига икки йилл ка-фолат муддати билан чиқаришади.

Корхона тадбиркорлари доимий излашда, улар ҳар бир янги маҳсулотни яратишда ҳадор талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ири-тишади. Айниқса, болаларга мўлжалланган оёк кийимлари кўркам, қулай, енгил ва саломаги-га бехатар бўлиши учун ҳаракат қилишади.

МУНОСИБ УЛУШЛАРИ БОР

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК КОРХОНА ҲАМДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАР ОРАДА ҒАЙРАТЛИ, ИШЧАН ЁШ ТАДБИРКОРЛАИНГ САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОШИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ҚЎВОНАРЛИ ҲОЛ АЛБАТТА.

Учтена туманида 2006 йилдан фаолиятэита-ётган хусусий тадбиркор Сайдали Тожихоз ҳам ҳозирда 7 нафар маҳалладошларини ишлан таъминлаб, маҳаллий хом ашёдан Германия ва Россия давлатларидан келтирилган юксама-рали кичик новвойхоналар ёрдамида сатли, бўрсилдоқ, хуштам нон ва нон маҳсулотли иш-лаб чиқармоқда. Уларнинг турлари бугункунга келиб 17 тани ташкил этмоқда ҳамда хидор-ларни мамнун қилмоқда.

Эътиборли томони, тадбиркор жорий й охи-ригача яна бир янги цехни ишга тушириш мақ-сад қилган. У маҳаллий ишлаб чиқарувчиригн мақарон тайёрловчи дастгоҳини сотиб оё, си-фатли мақарон маҳсулотлари ишлаб чиқишни йўлга қўйиш асносида 3 нафар фуқарога ги иш ўрни яратишни режаллаган.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА ЮРТИМДА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛА ҲУҚУҚИ КАФОЛАТ ЯХШИ САМАРАЛ БЕРМОҚДА. БОИСИ, БИРИНЧИ НАВБАД ФУҚАРОЛАРИМИЗГА ЯНГИ ИШ ЖОЙЛИ ЯРАТИЛМОҚДА, СИФАТЛИ ҲАМДА ЯРАҚАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШАБ ЧИҚАРИЛИБ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА.

Улар орасида «SMART» хусусий корхони 2006 йилда ташкил этилганига қарамай, ўз ўрға эға. Боиси, дунёга тўқимачилик соҳасидаги ишган ютуқлари билан машҳур бўлган туркияларнинг мазкур корхонасида етакчи компанияларгн замонавий, юксак унумли дастгоҳ ва усалари ҳамда маҳаллий 300 нафар малакали иш-хиз-матчиларнинг меҳнати туфайли болажонга си-фатли, чиройли дизайндаги пишиқ-пуктийим-кечкалар тикилмоқда.

Ушбу хорижий корхона тадбиркорзининг саёй-ҳаракатлари туфайли жамоа аҳли я дунё-га келган чақалоқлардан бошлаб, 2-ёшгача бўлган фарзандларимизга экологик то: ёркин ранглардаги, чиройли расмлар тушириш си-фатли матолардан бежирим, чидамли кюмлар тайёрламоқда. Айниқса, юртимиз иқлима жуда мослиги, об-ҳаво инжиқликлари ҳисобланганли-ги, либосларнинг сифати хориждан тирил-ганларидан асло қолишмаслиги ҳарирларни мамнун қилмоқда.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларинг ҳари-дорғирлиги ошиб, бюртмачилари сафканга-ётгани, асосий қисми хорижга экспорт пинаёт-гани чеварларнинг замонавий дизайнғлоҳида эътибор қаратилаётгани мевасидир.


СИФАТЛИ, КЎРМ ВА ХАРИДОРГ

МИЛЛАТИМИЗНИНГ ЎЛМАС ҚАДРЛАРИ, ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАРИНИ АВАЙЛАБ-АСРАШ, ТАЪМИРЛАШ, ЯНГИЛАРИНИ ЯРАТИШ БОБИДА «ТОКЕНТ КЕРАМИКА ТАЖРИБА КОМБИНАТИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ЖАМОАСИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСЮР.

Сафлариди 100 нафарга яқин (улар) кўпчи-лигини ёшлар ташкил этади) ўз касбинг уста-лари бўлган жамоа аҳли сифатли, кўрм, хари-дорғир сопол маҳсулотлар ишлаб чиқроқда. Уларнинг кўпчилиги кулолсоз усталар иб, юр-тимиздаги тарихий мажмуа, обида, нуменал иншоотлар—Тошкент метрополитени катлари, Олий Мажлис, Сенат биноси, Ўзбекиси Давлат консерваторияси, Миллий академик теэи бино-си, Кўкалдош мадрасаси, Зангиота мажаси каби кўплаб обьектлардаги сопол кошини кўрган кўзларни қувнатиб, хунари гўзалларни машақ-қатли, аммо шарафли меҳнати маҳсулифатида шаҳримизга кўркамлик бахш этиб турди.

Муҳаббат ХАБИЛЛАЕВА

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ МАВЖУД БАРЧА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЁШЛАР НАФАҚАТ БИЛИМ ОЛАДИЛАР, БАЛКИ КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИБ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИБ ЕТИШАДИЛАР. ЗЕРО, ҲАЁТДА ХУНАРИ БОРНИНГ ЗАРИ БОР ДЕЙДИЛАР. КАСБ-ХУНАР ЎРГАНАН ОДАМ ХОР БЎЛМАЙДИ, ХУНАРСИЗ ОДАМНИНГ ЭСА ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИ ҚИЙИН. ШУ БУЎ ЁШЛАРИМИЗНИНГ БИЛИМ ОЛИШ ВА ХУНАР ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИШГА ИШТИЁКЛАРИ ОШИБ БОРМОҚДА.



Миллий дастур — амалда

ХУНАРНИНГ ҚЎЛИ ГҮЛ

Сергеи Политехника касб-хунар коллежида ҳам бугунги кунда кўплаб ёшлар тахсил олиб, касб-хунар эғаллашмоқда. Бу йил мазкур коллежи 323 нафар ўқувчи битирди, шулардан 28 нафар ўқувчи имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди.

— Ҳозирги кунда коллежда тикувчилик, ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, бухгалтерлик иши, информатика ва коммуни-кацион технологиялар, автомобилда оқ та-шиқ, менежмент, молия, бино ва иншо-отлар қурилиши, дурадгор ва паркетчи, бухгалтерия ҳисоби ва аудит каби йўна-лишлар бўйича ўқувчилар тахсил олмақ-да, — дейди Сергеи Политехника касб-хунар коллежи директори Хайрулла Қора-боев. — Коллежнинг моддий техник база-си замон талаби даражасида бўлиб, ўқув-чиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 2 та ўқув биноси, 46 та назарий ўқув хонала-ри, 8 та лаборатория хоналари, 12 та ўқув амалиёт ўтиш устаконалари маҳаллий ҳамда чет эл жиҳозлари билан тўлиқ жи-

ҳозланиб, назарий ва амалий дарсларни ўтишда тўлиқ фойдаланиб дарслар ўтил-моқда. Шунингдек керакки, коллежда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифарларни амалда татбиқ этган ҳолда замонавий педагогик технологиялар асо-сида ёшларга таълим берилди. Мазкур таълим масканида кимё ўқув хонаси, био-логия ўқув хонаси, лабораторияси, физи-ка, астрономия ўқув хоналари, лаборато-риялари, информатика ўқув хонаси, 1 та компьютер синфи, лингафон хонаси ва бо-шқа ўқув хоналари Жанубий Корея креди-ти асосида жиҳозланган. Тикув буюмлари билан ишлаш ўқув хонаси, тикувчилик иш-лаб чиқариш ўқув амалиёт хоналари эса Польша кредити асосида жиҳозланган бўлиб, ўқувчиларнинг тўлиқ билим ва ма-лакага эға бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг маънавий-маъ-рифий ва жисмоний ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда турли хил байрам тадбирлари, танлов-

лар, спорт мусобақалари, қизқарлик уч-рашувлар, давра суҳбатлари, шунингдек, шаҳримизнинг кўркам тарихий обидала-ри, музейлари, театрлари, маданият ва ис-тироҳат боғларига бориш чора-тадбирла-ри ишлаб чиқилган ва йил давомида режа асосида ушбу тадбирлар амалга оширила-ди. Шунингдек жоиқки, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини ривожлантириш мақсадида коллеж қошида 150 ўринли ах-борот ресурс маркази очилган, 180 ўрин-ли мажлислар хонаси талаб даражасида жиҳозланган. Бундан ташқари ўқувчилар-нинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш мақсадида барча фанлардан таж-рибали ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар томонидан қизқарлик фан тўғрақлари фа-олият юратади. Шу билан бирга спорт тўға-раклари ҳам мавжуд бўлиб, оғир атлетика бўйича тренажёр хоналари ўқув жараёни-да ва дарсдан кейин ўқувчилар билан га-вжум бўлади. «Шунқорлар» спорт ўйнала-ри, турли хил танловлар ҳар йили режа асосида ўтказиб келинади ва бу мусоба-қалар ва танловларда коллеж ўқувчилари ҳам фаол иштирок этиб муносиб ўринлар-га сазовор бўлиб келишяпти.

Бу йил ҳам коллежда ўқиш истагини билдирган кўплаб ёшлар ҳужжатларини топширдилар. Албатта астойдил касб-хунар



эғаллаш ниятида бўлган ёшлар ушбу билим мас-канида яратилган шарт-шароитлардан унумли фой-даланишади. Зеро, халқимизда «Хунарли хор бўлмас» деган нақл бежиз айтилмаган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Сергеи Политехника касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

СОҒЛОМ ТАНДА СОҒ АҚЛ

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТЕХНИКА-АМАЛИЙ СПОРТ МАРКАЗИДА ПНЕВМАТИК МИЛТИКДАН ЎҚ ОТИШ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Республиканинг турли вилоятларидан 16 жа-моада 70 дан зиёд ёш спортчилар кун синашди. Ёш авлод иқтидор ва салоҳия-тини янада оширишга қаран-тирган мусобақада ишти-рокчилар милтикдан ва тўппончадан ўқ отиш бўйи-ча беллашмоқда.

— Ушбу мусобақа 2003 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб

келинади, — деди Респу-блика техник-амалий спорт маркази директор ўринбо-сари Шокарми Шоумаров. — Мусобақага қизиқувчилар со-ни йилдан-йилга ортмоқ-да. Терма жамоага ёшлар-ни саралаб олишда ёрдам берадиган баҳслар икки йўналиш пневматик қурол ва тўппончадан ўқ отиш бўйича олиб борилди. Спортчидан жиддий эъти-

бор ва катта маҳорат талаб этиладиган бу беллашувда голиблик учун асосий ку-раш Тошкент шаҳри, Сама-рқанд, Андижон ва Фарғо-на вилоятлари ўртасида кечди.

Ш. Шоумаровнинг таъ-кидлашича, техник-амалий спорт марказининг вилоят-ларда ҳам филиаллари таш-кил этилса, кучли, чаққон ва улкан иқтидорга эға ёшлар-

ни янгидан-янги марралар-га, галабаларга ундаш, йўналтиришга замин ярати-ларди.

Дарҳақиқат, ёш спортчи-ларни кўплаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида олиб борилаётган ишлар ташин-га сазовордир. Донолар бежизга айтишмаган соғлом танда, соғ ақл деб. Зеро, етуқ, комил инсон бўлиш учун, аввало, одам соғлом бўлиши керак. Бу йўлда амалга оширилаёт-ган эзгу ишлар эртанги кун пойдевори эканлигига шубҳа йўқ.

Ёшлар — келажакимиз

БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ ВА «МЕҲР НУРИ» ЖАМГАРМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ «БИЗ — БИР ЖАМОАМИЗ!» НОМЛИ ЁШЛАР АЖРАТИСИНИ ЎТКАЗДИ.

Ушбу тадбирлар учун «Ке-лажак овози» ёшлар ташаб-буслари маркази томонидан фаол ёшлардан ҳамда таш-килотчилардан иборат мах-сус учта гуруҳларда 50дан зиёд ташаббускор ёшлар, жамгармаларнинг ходимлари ва таниқли эстрада юлдузла-ри жалб этилди.

Марказ ёшлари бир ҳаф-тадан ошироқ муддатга жой-лардаги фаол ёшлар билан учрашиб, уларнинг тақлиф-ларини ўргандилар, ўзаро фикр алмашдилар, шунинг-дек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фа-олиятини жойларда янада та-комиллаштириш бўйича ёшларнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини тинглади-лар ва муҳокама қилдилар. Бундан ташқари шу ойда «Келажак овози» кўрик-тан-лови голиблари ҳамда та-шаббускор ёшлар учун Мар-каз томонидан эғзи ёшлар оромгоҳини ташкил этиш режалаштирилган. Ақциялар-да фаол иштирок этган ёшларни ҳам бу оромгоҳлар-га жалб этиш кўзда тутил-ган.

Жойлардаги ақциялар «Меҳр нури» жамгармаси хари-ри тадбирлари билан бирга амалга оширилди. Мазму-ми, сўнги йилларда «Меҳр нури» жамгармаси томонидан бир қатор лойиҳалар татбиқ этилмоқда. «Таълим грантла-ри» дастури, «Иқтидорли та-лабалар учун стипендиялар» дастури, «Тадбиркор аёллар учун грантлар» дастурлари шулар жумласидандир. Бун-дан ташқари жамгарма ҳам таъминланган оилаларга ҳам

ўзининг беғараз ёрдамини кўрсатиб келмоқда.

Тадбирларда таниқли эс-трада юлдузлари—Самандар, Сардор Раҳимхон, Улугбек Раҳматуллоев, «Божалар» гу-руҳи иштирок этиб, улар жойлардаги санъаткорлар билан бирга гала-концертлар бердилар.

Эслашиб ўтиш жоизки, «Келажак овози» ёшлар та-шаббуслари маркази 2006 йилнинг март ойидан ўз фа-олиятини олиб бормоқда. Марказ «Ўзбекистон мадания-ти ва санъати форуми» жа-мгармаси кўмағида республи-каимиз ёшларининг ташаб-буслари асосида бир қатор йирик ва самарали тадбир-лар, ёшлар форумлари, ак-циялар, талаба-ёшлар учун ўқув-семинар машғулотлари-ни ташкил этиб, ёшларнинг энг долзарб ташаббусларини хайғат татбиқ этишга кат-та ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда Марказ ат-рофида 50 га яқин ёшлар ўзлари ташкил этган 6 та: «Маданият ва санъат», «Ёшлар ахборот маркази (ОАВ)», «Ёшлар ташаббусла-рини кўллаб-қувватлаш», «Ах-борот технологиялари», «Ин-теллектуал клублар ассоци-ацияси» ва «Таълим» каби йўналишларда ўз қизиқиш-лари бўйича бирлашиб, янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқдалар. Республика-миз бўйлаб «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари мар-казининг жойларда бўлимири тузилган бўлиб, ҳозирги кун-да 5000 дан ортиқ аъзола-рига эға.

(Ўз муҳбиримиз)

ГОЛИБЛАР АҚШГА БОРАДИ

ПОЙТАХТДА КОМПЬЮТЕР ЎЙНЛАРИ БЎЙИЧА БЕШИНЧИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ.

Юртимизда ахборот коммуникация технологиялари-ни ривожлантиришга берилётган эътибор туфайли ёшлар орасида унга бўлган қизиқиш торабора ортиб бор-моқда. Жорий йилги баҳсларда уч ярим мингдан зиёд геймерлар иштирок этганлиги ҳам мусобақанинг кўла-ми кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари ривожига ёшларимиз ҳам фаол ишти-рок этишяпти. Улар энг замонавий илгор ускуналарни пухта ўзлаштирган ҳолда турли-хил халқаро мусобақа-ларда ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Хусусан, ком-пьютер ўйинлари беллашувариди ҳам геймерларимиз беш йилдан буён бу борадаги билим ва иқтидорларини намоён этиб хорижда ўтказилаётган халқаро мусобақа-ларда совринли ўринларни кўлга киритиб қайтишмоқ-да. Бу йилги саралаш мусобақаларида мамлакатимиз-нинг турли минтақаларидан уч ярим минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Улар орасида етмиш икки нафари республика финал босқимида ўзаро беллашди. Компь-ютер ўйинлари бўйича бешинчи Ўзбекистон чемпио-нини бў йилги голибларини тақдирлаш маросими ҳаққиқ байрам тусини олди.

Танлов натижаларига кўра тўққиз нафар геймерлар АҚШ Нинг Сител шаҳрида ўтказиладиган жаҳон ҳамда Марказида ўтадиган иккинчи Осиё чемпионатининг «Гранд финал — s2007» мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Эътироф этиш лозимки бу йил вилоятлар жамоалари ҳам мусобақаларда фаол ишти-рок этишди. Бу эса геймерларни янада генгрок қамраб олиш имконини бермоқда. Сирдарё, Бухоро, Фарғона ҳамда қаршилик иштирокчилар мусобақаларда муносиб ўйин кўрсатишининг ўзи ҳам ҳудудларда ахборот ком-муникация технологиялари жадал ривожланиб бораёт-ганини кўрсатмоқда.

«Туркистон-пресс»

Болалар спорти
Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Жамғармалар фаолиятдан
СПОРТ — САЛОМАТЛИК
ГАРОВИ

Хусусан рақамларга мурожаат этадиган бўлсак 2003-2006 йилларда «Умид», «Истиқлол», «Намуна», «Олимпия умидлари», «Нихол», «Учтепа», «Югнакий», «Белтепа», Талабалар шаҳарчасидаги Техника Университети спорт мажмуаси, Миллий университети ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан «Кўшбеги», «Журжоний» ва Ҳамза футбол мактаби болалар спорт мажмуалари қурилиб, замон талабларига мос спорт анжуманлари билан тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди. Хозирги кунда фаолият кўрсатаётган спорт мажмуаларида 107 та янги спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларга 4973 нафар ёшлар жалб этилган, шундан 1433 нафарини қизлар ташкил этмоқда. Спорт мажмуаларида асосан волейбол, баскетбол, кўл түпи, стол тенниси, шахмат-шашка, теннис, бадий гимнастика, акробатика, спорт гимнастикаси, сузиш ва синхрон сузиш, камондан ўқ отиш, қилибозлик каби спорт турлари кенг ривожланиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида 6 ёшдан 17 ёшгача 440637 нафар ўқувчилар бор бўлиб, улардан 205148 нафари (46,6 фоиз) дарсдан ташқари спорт секцияларидаги жалб этилган, шулардан 208690 нафарини киз болалар ташкил этилди.

2002 йилда 6-17 ёшгача бўлган ўқувчилардан 76074 нафари 17,8 фоиз мунтазам спорт билан шугулланган бўлса, 2003 йил 117650 нафар (27,1 фоиз), 2004 йил 165147 нафар (38,2 фоиз), 2005 йил 204015 нафар (46,3 фоиз), 2006 йил якунига келиб 205148 нафар ўқувчи-ёшлар (46,6 фоиз) спорт билан ошно бўлдилар.

Биз ўтиб бораётган «2007 — Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалида олиб борилаётган ишлар кўлимига назар ташлар эканмииз, жамғарма директори Аскар Толибоновнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдик.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз иш фаолиятини бошлаган кунлардан бошлаб мураккаб юрт фарзандларининг жисмонан бақувват, соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишлари йўлида Президентимиз Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг кўрсатма ва қарорлари асосида, шунингдек, бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда, шу кун талабидан келиб чиққан ҳолда

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
ШАҲРИМИЗДА БОЛАЛАР
СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ,
УНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК
БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,
ЁШЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТ
ТУРЛАРИГА КЕНГ КўЛАМДА ЖАЛБ
ЭТИШ, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ
МУНТАЗАМ СПОРТ БИЛАН
ШУГУЛЛАНИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР
БўЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ
ЯРАТИШ БўЙИЧА ҚАТОР
ТАДБИРЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР
БАЖАРИЛДИ.

иш олиб бормоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг «Жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш» каби бир қатор бандлари бўйича олиб борилаётган ишларни санаб ўтсак ўринли бўлади.

Яъни ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, айниқса маҳаллалардаги болаларни спортга кенг кўламда жалб этиш ва улар орасида қизиқарли оммавий спорт тадбирларини мунтазам равишда ташкил этиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йил давомида ўтказилган спорт тадбирларининг «кўшма дастур»и тасдиқланди. Дастурга мувофиқ «Умид» болалар спорт мажмуасида спортнинг мини-футбол ва қизлар ўртасида шашка мусобақалари бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизнинг 11 та туманидан 12 нафардан, жами 132 нафар ўғил ва қизларимиз иштирок этди. Мусобақа голибларига жамғарма ва «Камолот» ЕИХ томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Яна ушбу болалар спорт мажмуасида стол теннисини бўйича «Камолот» маликаси» Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Мусобақада ҳар бир тумандан 4 нафардан 1991-1992 ва 1993-1994 йилларда туғилган қиз болалар иштирок этди ва голибларга эсдалик совғалари топширилди.

Учтепа туманидаги «Учтепа» болалар спорт мажмуасида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида тиббиёт соҳасида иш олиб бораётган аёллар ўртасида «Спорт-саломатлик гарови» мавзусида 2 босқичли арқон тортиш, дартс, мини-футбол, кувноқ эстафета мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Чилонзор, Яқсарой, Миробод, Шайхонтоҳур, Учтепа ва Сергели туманларидан 16 нафардан, жами 72 нафар аёллар иштирок этди. Голиб ва барча иштирокчилар ҳомийлар томонидан совғалар ва жамғарманинг 1,2,3-даражали дипломлари билан тақдирландилар.

Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб Учтепа туманидаги «Журжоний» болалар спорт мажмуасида Халқ таълими вазирлиги

тизимидоғи умумтаълим мактаб ўқитувчилари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича республика босқичи мусобақаси ўтказилди. Мусобақада республикамизнинг 14 та вилояти ҳамда Тошкент шаҳар жамоалари таркибидан 210 нафар аёллар иштирок этди ва Тошкент шаҳар жамоаси фахрли 2-ўринни кўлга киритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллалардаги спорт билан мунтазам шугулланувчи кам таъминланган оилалар фарзандларига, яъни Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Камолот» маҳалласига 363 минг сўмлик спорт кийимлари, Ҳамза туманидаги «Умид» маҳалласига 60 минг сўмлик спорт анжони, Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласига 447500 сўмлик, Бектемир туманидаги «Нихол» маҳалласига 447500 сўмлик, С.Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласига эса 1 миллион 168 минг 750 сўмлик спорт кийимлари тарқатилди.

Туманларда жойлашган маданият ва истироҳат боғлари, Г.Красницкий номидоғи стадионда турли-туман миллий халқ уйинлари ва спорт мусобақалари ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий боғида 3000 нафардан ортиқ иштирокчилар ўртасида оммавий югуриш марафони ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилги бюджет ҳамда болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»-ги 541-сонли Қарорига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими томонидан имзоланган 2007 йил 3-январдаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида 2007 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорт объектларини қуриш ва реконструкциялашнинг аниқ дастури тасдиқланди. Тасдиқланган



манзилли дастурга асосан 3 та янги қуриладиган ва 2 та мактабга қўшимча спорт зали қурилиши киритилган.

Хозирги кунда спорт иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган, «Ягона буюртмачи хизмати» Инжиниринг компаниясига маблағлар ўтказиб берилган ва тендер савдолари ўтказилди.

Айтмоқчиманки, мен келтириб ўтган мисоллар албатта жамғарма томонидан амалга оширилган, ягона мақсадга қаратилган ишларнинг айримлари ҳолос. Айни кунларда эса ёнги оромгоҳларда мазза қилиб дам олаётган болажонларнинг спорт билан шугулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, спорт анжуманлари билан таъминлаш юмушлари билан бандмиз.

Дарҳақиқат, биз спорт — соғлиқ-саломатлик гарови эканлиги ҳақида фикр юритар эканмииз қайси касб эгаси бўлмайлик, ягона мақсадимиз жисмонан соғлом, ақлан баркамол авлодни вояга етказиш эканлигини унутмаслигимиз керак. Шундай экан болалар спортини ривожлантириш, эртанинги муносиб издошларни вояга етказишдек эзгу ишда ҳамфикр, ҳамкор, яқин дўст бўлайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтказилган спорт мусобақаларидан лавҳалар.

2007—Ижтимоий ҳимоя йили
СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ
АВЛОДНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ,
БАҚУВВАТ ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ,
УЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ БўЙИЧА КЕНГ
КўЛАМДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИБ
КЕЛИНМОҚДА.

Шу маънода яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида 10-12 ёшли (ҳар бир тумандан 15 нафардан) болалар ўртасида спортнинг мини футбол, стол тенниси, шашка, эстафета (400 метрга югуриш) турлари бўйича бўлиб ўтган марафон ҳам фикримиз далили бўла олади.

Ушбу мусобақада катнашган ҳар бир иштирокчининг кузатар экансиз, уларнинг спортга астойдил ҳавас кўйганларини сезиш қийин бўлмади.

Ғалаба учун кураш, имкониятлардан имкон борича унутили фойдаланиш,

янгий-янги усуллари кўлашга интилиш албатта спортга бўлган эътибор ва яратилган шарт-шароитлар натижасидир. Голиб ва катнашчиларнинг жамғарма томонидан эсдалик совғалари билан рағбатлантирилиши ҳам маълум маънода уларни руҳлантиришга хизмат қилмоқда.

— Зимимиздаги вазифани, масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ёшларимиз ўртасида спортга астойдил ҳавас йўғотиш учун ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг етакчи мутахассиси Акмал Муродов. — Ушбу стадионда яқинда шаҳримизнинг ҳар бир туманидан 14 ёшгача бўлган Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлигини кўлга киритган ёшлар ўртасида «Спорт-менинг ҳаётим» деб номланган жуда қизиқарли бахсли учрашуви ўтказдик. Ушбу мусобақа амалга ошираётган ишларимизнинг қанчаллик самара бераётганини, жойлардан эш иқтидорлар етишиб чиқаётганини кўрсатди.

Дарҳақиқат, болажонларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари келажак пойдеворининг мустаҳкам бўлишига замин бўлади албатта.

Азиза МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳа.

Туманларда
ЯҚИН ҲАМРОҲ, ДОИМИЙ ДўСТ

ЁШЛАРНИ
СПОРТГА ЖАЛБ
ЭТИШ, САЛОМАТ-
ЛИКЛАРИНИ
ТИКЛАБ,
СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИНИ ТАРҒИБ
ЭТИШДА
«КАМОЛОТ» ЕИХ
МИРОБОД
ТУМАН БўЛИМИ
КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН
ҲАМ БИР ҚАТОР
ИШЛАР ОЛИБ
БОРИЛМОҚДА.

Хусусан, «Миллий халқ уйинлари фестивали», «Ителлектуал олимпиада» кўрик-танлов, мактаб, маҳалла ва спорт комплексларида ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари фикримиз далилидир. «Камолот»чилар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси йўлида ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда истиқомат қиладиган вояга етмаган ёшлар билан мунтазам иш олиб бориш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ёрдамга муҳтож оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш, моддий кўмак бериш, ёнги таътил вақтида яхши хордиқ чиқаришларига ҳисса қўиш, турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, туманда истиқомат қиладиган ИИБ рўйхатида турувчи вояга етмаган ёшлар ўртасида кенг камровли тадбирларни ўтказишга асосий эътиборни қаратганлар.

— Айни кунларда «Ёнги» «Камолот» билан!



лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди туман болалар ташкилоти раиси Зиёда Заидова. — Лойиҳага киритилган «Кўшма оммавий спорт», «Тиббий ёрдам», «Беминнат хизмат», «Диний саводхонлик» каби йўналишлар асосан туман маҳаллалари болаларини қамраб олишга қаратилган. Туманимиздаги 39 та маҳаллада спортнинг баскетбол, волейбол, шахмат-шашка, арқондан сакраш каби бир қатор турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ташкил этилмоқда. Мақсадимиз ёшларимиз тендошларининг муваффақияти, ғалабасига ҳавас қилсинлар, интилсинлар, спорт — уларнинг яқин ҳамроҳи, доимий дўсти бўлиши лозимлигини тушуниб етсинлар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: туман маҳаллаларида бўлиб ўтаётган спорт мусобақаларидан лавҳа.



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА
ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИНИ
ЎТКАЗИШ, УЛАРНИ ОММАВИЙ СПОРТ
ТУРЛАРИГА КЕНГ КўЛАМДА ЖАЛБ ЭТИШ,
ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БўЛИБ ВОЯГА
ЕТИШЛАРИ ЙўЛИДА КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР
ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН,
МАКТАБЛАРДА, ЎРТА МАХСУС ВА ОЛИЙ
ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲАМ ЖИСМОНИЙ
БАРКАМОЛЛИККА КАТТА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛГАН.

Ўқув масканларида

ЖИСМОНИЙ
БАРКАМОЛЛИК
САРИ

Республикамиздаги энг кекса зиё масканларидан бири ҳисобланган 1-Тошкент Педагогика коллежида ҳам ўқувчи-ёшларнинг жисмонан баркамол бўлиб тарбия топшишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Айни вақтда коллежда «Бошланғич таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Жисмоний тарбия ва болалар спорти» каби йўналишлар бўйича салоҳиятли, ўз касбига меҳр кўйган мутахассислар тайёрланмоқда. Уларга 130 га яқин таърибли ўқитувчи-мураббийлар фан ва таълим сирларидан сабоқ бермоқдалар.

Коллеж ўқувчилари ҳар йили туман, шаҳар ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида

фаол иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ўқув масканларида ҳар йили анъанавий тарзда яқиний спорт байрами ўтказилиб, голиблар моддий ва маънавий тақдирланади, ўқувчилар мунтазам равишда рағбатлантирилиб келинади. — Коллежимизда волейбол, баскетбол, шахмат, стол тенниси, ёш гимнастикачи, футбол, енгил атлетика, кўл түпи, кураш каби спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда, дейди коллежнинг маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Уринбой Бобоёров. — Жорий йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси йўлида «Соғлом авлод-келажак пойдевори» мавзуи-

да бир қатор спорт мусобақалари ўтказилиб, бу албатта барча катнашчиларга маъқул бўлди. 2006-2007 ўқув йилида ташкил этилган спорт мусобақаларида 2567 нафар ўқувчилар иштирок этган бўлса улар кўрсатган натижалар ўқув масканимизда спортга бўлган эътиборнинг нечоғлиқ яхши натижалар бераётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, коллежда нафақат илмий, етук мутахассислар тайёрланишига, балки эртанинги издошларини ҳар жиҳатдан соғлом, маънан етук, юртимизга муносоиб фарзанд, хайрли ишларимиз давомчилари бўлиб вояга етишларига барча имкониятлар яратилган.

Отабек БОБОЖОНОВ

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ
ЭЪТИБОРДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КўМИТАСИ
БОШҚАРВИНИНГ ПЛЕНУМИ БўЛИБ ЎТДИ.

Унда вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини янада фаоллаштириш, мавқени юксалтириш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 май ойда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар кўмитаси хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш каби йўналишларда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш, айниқса юртимизнинг чекка ҳудудларида хотин-қизлар учун янги иш ўринларини барпо этиш, уларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, бу борада зарур имтиёз ва имкониятлар яратишда мазкур жамоат ташкилотининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бугунги кунда юртимизнинг салкам ўн мингга яқин маҳалласида, овулларига, қишлоқ фуқаролик йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда. Хотин-қизлар ва ёшлар онгу-шуурига миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, диний бағрикенглик туйғуларини чуқурроқ синдириш, маҳаллаларда оқоиниш ва барқарор маънавий муҳитни мустаҳкамлаш уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Айни пайтда кўлимта ташаббуси билан махсус ўқув курслари, семинар машғулотларининг мунтазам ташкил этилиши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз туманларидаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда эришилган ютуқлар баробарида камчиликлар, жумладан, хотин-қизларни соғломлаштириш, ёш оиланинг маънавий, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали айрим ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тегишли вазирликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш кенг самара бериши таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Маънавият
ЭЛЕКТРОН ҲУҚУВ
ДАРСЛИГИ

ИНФОРМАТИКА ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИДА
ҲАМ ЕТАКЧИ ФАН СИФАТИДА
ЎҚИТИЛМОҚДА. ШУ САБАБЛИ УШБУ
Йўналишда ҚАТОР ҚўЛЛАНМАЛАР
БОСМАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

«Информатика» деб номланган электрон ўқув дарслиги эса кўп нусхада чоп этилди. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг бир гуруҳ олимлари яратган мазкур янги дарсликда электрон-ҳисоблаш машинасининг арифметик асослари кенг ёритилган. Шунингдек, дарслик талабаларни компьютер таълими, алгоритмлаш ва дастурлашга доир билимлар билан қуроллантиради.

Институт олимлари умумтаълим мактаблари учун ҳам бундай электрон ўқув адабиётини босмага ҳозирлашди.

МУҲИМ МАНБА

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎЗИНИНГ КўП ЙИЛЛИК
ТАРИХИГА ЭГА. БУНИ «ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ
ТАРИХИ (ИЛК ТАРАҚҚИЙТИ ДАВРЛАРИ)» ДЕБ
НОМЛАНГАН КИТОБНИ ЎҚИБ ЧИҚҚАН КИШИ
ҲАМ ЧУҚУР ИДРОК ЭТАДИ.

Яқинда босма юзини кўрган мазкур монография фактик мисолларга бой бўлиб, ўзбек халқи ва тилининг қадимий ўтмишига доир кўпгина ёдгорликлар, илмий-тарихий манбалар асосида ёзилган.

Мазкур нашр ўзбек адабий тили тарихи фанининг шаклланиши жараёнлари атрофида таҳлил этилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Айни вақтда у анжодларимиз қўллаган қадимий ёзувлар ва уларда битилган ёзма манбалар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Янги тўплам умумхалқ тили бадий хусусиятларини ўрганишда ҳам ўзига хос манба бўлиб хизмат қилмади.

КОЛЛЕЖДА МУЗЕЙ

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНОАТ
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎЗИНИНГ МУЗЕЙИНИ
ОЧИШГА КИРИШДИ. УНИНГ
ЭКСПОНАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА
ШАҲРИМИЗДАГИ САНОАТ КОЛЛЕЖЛАРИ
ҲАМ ФАОЛЛИК КўРСАТМОҚДАЛАР.

«Меҳр ва мурувват» республика жамғармаси савий-ҳаракати билан бунёд этилаётган музей экспозициясида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар ўз аксини топади.

Яқинда пойтахтимизда «Меҳр ва мурувват» жамғармаси ҳамда Тошкент Банк коллежи томонидан уюштирилган «Энг маҳоратли касб эгаси» кўрик-танлови ўтказилиб, голиб деб топилган ижодкорлик намуналари ҳам музейга қўйилди.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Бурни хид билмас на билсин қадрини,
Бог кезиб, сезмайди райхон атрини.

Кўй шу макру хийлани, жавлон уриб,
Хур яша бир дам ажал келмай туриб.

Авалин борким жаҳон саҳнида хун,
Тўқди Қобил, эрди ул хотин учун.

Йўқ, фақат Маҳшарда эрмасдир жазо,
Ундан олдинроқ келур дарду бало.

Улки сенга орзу эрмишдир, самар,
Ўзгаларга ул азиятдир, зарар.

Юз қаролик бирла шодмиз ҳар қачон.

Неча хирмон бир ҳовуч дон ичрадир.

Нонга етдинг, бўлди савдойинг бўлак,
Энди хотинларни деб жонинг ҳалак.

Иштаҳанг кўймади — бўлсайди қани,
Бир шаҳарнинг нои бирлан хотини.

Аҳли Оддек бўлма, кўй кибру ҳаво,
Йўқса, дардинга тополмассан даво.

Ёши юзга етсаю хом бўлса, гўр,
Бир етук олдида ул нодону кўр.

Жисми зоҳир кетгусидир оқибат,
Маъни қолгайдир жаҳонда тоабат.

Кўзани чертиб кўрарлар не учун?
Билмоқ истарлар — синикми ё бутун?

...кўнгилдан кўнгилга дарча бор.

Мен тезакдин кутмағаймен бўйи мушк.

Гар бирор майдонда лашкар лат емиш,
Бул магар уч-тўрт муҳаннасан эмиш.

Эгрларда йўқ садоқатдин нишон,
Ул бузар ичган қасамни ҳар замон.

Аҳдни бузмоқ — аҳли нодон қилмиши,
Хифзаи имону вафо — марднинг иши.

Нозанинларга ярашгай нозлари.

Қалбаки пулни қилур нодон харид.

Сенга чин сўз айтсалар ё чиннамо,
Сен ишонгайсен анга беиштибоҳ.

Миски мағлуб бўлди, зардир голиби.

Сўзни устурлоб этмишлар ҳисоб.

Яхшидир кўзни ўзинга солганинг.

Қайда дард юз берса, ҳамдардлик бўлур.

Хонада ким борлигин билсайдилар,
Балки кўпмасди эшиқда галвалар.

Телбалар масжидга тазим айлағай,
Аҳли дилларга вале зулм айлағай.

Масжид ул — орифу сарварлар дили.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

МАРОҚЛИ ДАМ — ТАНГА МАЛҲАМ

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН УЛКАН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЭНГ САМАРАЛИСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАСССАЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШЛАРИГА БЕРИЛАЁТГАН ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИБОРИДир.

Айни дамда эса мактаб сабоқларини тугаллаган ўқувчиларимиз турли оромгоҳларга, саломатлик масканларига йўл олишган.

Дарҳақиқат, ёзининг жазирама кунлари бошлангач, ўқувчиларнинг аксарияти тоғ бағридаги оромгоҳларда, табиат кўйида хордиқ чиқариб, мароқли дам олиб қайтишни хуш кўришади. Ҳақиқатан ҳам, кўёш заррин нурларини аямай тақдим этаётган айни кунларда болажонларнинг соясалқин оромгоҳларда дам олишларининг гаши бўлақча.

Бу хусусда Халқ таълими вазирлигининг бошлаб юборган амалий ишлари тахсинга сазовордир. Вазирлик томонидан ўқувчиларнинг ёғи дам олишни кўнгилдагидек ўтказишларида етарли шарт-шароитларни яратиш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оромгоҳларга жойлаштириш, таътил пайтида ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш режалаштирилган ва бу йўлда амалий ишлар бошлаб юборилган. Бундан ташқари, махсус мактаб-интернат, кам таъминланган оилалар болаларининг хордиқ чиқариб мароқли дам олишлари юқори савияда ташкил этилиши кўзда тутилган.

Болаларнинг ақлан, жисмонан соғломлиги, тафакку-

рининг чаркланиши, фикрининг тиниклашиши унинг қандай ва қанақа жойда дам олишига ҳам боғлиқдир. Шу жумладан, 230 та шаҳардан ташқари оромгоҳлар, 16 та санаторий типигади дам олиш масканлари, 4 та спорт-соғломлаштириш муассасаси, 514 та мактаблар қошидаги оромгоҳлар ва 1 та меҳнат-роҳат дам олиш масканлари барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб болажонларни ўз бағрига олган. Шундай оромгоҳлардан бири Бўстонлик тумани, «Қизилсув» қишлоғида жойлашган «Меҳрибонлик уйи» соғломлаштириш оромгоҳидир. Бу ерда ёғи дам олиш мавсумининг биринчи даври бошланишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Оромгоҳга мамлакатимизнинг турли ғўшалари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 260 нафари жойлаштирилди. Дам олиш масканида ўғил-қизларнинг соғломлаштирилиши, кўнгилли дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Болалар шифохонаси, кутубхона, машғулот учун хоналарнинг бари болажонлар ихтиёрида.

Оромгоҳларда турли тадбирлар уюштириш, маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги «Қамолот» ЁИХ, Республика касаб-ушумалари федерациялари кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида тадбирлар ўтказилапти. Масканларда болаларнинг иштиёқларига қараб хар хил тўғарақлар, спорт ўйинлари, қизиқарли учрашувлар ташкил этилиб, бу дам олувчиларнинг руҳида кўтаринкилик бахш этмоқда.

Республика ўқувчилар саройи, Ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази ҳамда ўқувчилар техник маркази то-



монидан «Ёз - 2007» услубий қўлланмалари тайёрлади ва оромгоҳларга топширилди. Шу ўринда оромгоҳларга жалб этилмаган болалар ҳам эътибордан четда қолмагани йўқ. Булар учун юқоридаги ташкилотлар билан бига Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Махлла» хайрия жағмармаси ва Ички ишлар вазирлиги илан ҳамкорликда кўшма тадбирлар ўтказилапти.

Бундай қулайликлар ўқувчиларимизга ёқади, деан умидда уларни ўз мактабларига куч-ғайрат, ўқига чанқоқлик ва ташналик билан қайтишига ишонамиз.

Сурайё МЕЛИКУЛОД,

«Туркистон-пресс»

Футбол

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

ИЛК МАРТА МАЛАЙЗИЯ, ТАИЛАНД, ВЬЕТНАМ ҲАМДА ИНДОНЕЗИЯДА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҲАМ БОШЛАНДИ.

Қитъамизнинг 16 миллий терма жамоалари иштирок этаётган Осие чемпионатининг очилиш маросими Таиландда бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли турнирнинг гурӯҳ баҳсларини Таиланд —

Ироқ терма жамоалари бошлаб беришди. Мурасасиз кечган дебташув 1:1 ҳисобида якунланди. Дарвоқе, қўтилмаган натижа Вьетнам — БАА терма жамоалари учрашувида қайд этилди. Вьетнамлик

чарм тўп усталари ўзларидан анча кучли ҳисобланган арабларни 2:0 ҳисобида мағлуб эта олишди. Шунингдек, Австралия — Уммон терма жамоалари баҳси ҳам 1:1 ҳисобида якунланди.

КЕЧА

Япония — Қатар терма жамоалари ўзаро беллашган бўлса, **БУГУН** дан ўзбекистонлик мухлислар орзиқиб кутаётган «С» гурӯҳи баҳсларига старт берилади. Майдон эгалари — малайзияликлар хитойлик футболчиларга қарши кураш олиб боришса, **ЭРТАГА** ўзбекистон-Эрон терма жамоалари майдонга тушишади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ
2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчиларни ўқишга қабул қилади:

КУНДУЗГИ БЎЛИМ (9-синф базасида)

- 1.Сув ҳўжалиги ва мелiorация
- 2.Бухгалтерия ҳисоби
- 3.Менежмент
- 4.Молия
- 5.Солиқ ва солиққа тортиш
- 6.Банк иши
- 7.Хўжалик ҳуқуқий фаолияти

Ўқишга киришни хоҳловчилар коллежнинг консултиватив марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим

(9-синф маълумоти билан 31 июлгача қабул қилинади):

- 1.Коллеж директори номига ариза
- 2.Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
- 3.0-86/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси
- 4.3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат
- 5.Домий яшаш жойидан маълумотнома
- 6.Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси (гувоҳноманинг асли ва ҳарбий билет ёки гувоҳномаси шахсан кўрсатилади)

Коллеж бўш ўринларга қуйидаги фанлардан малакали ўқитувчиларни танловда қатнашиш учун таклиф қилади:

Миллий истиқлол ғояси, шахс ва жамият, молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби, информатика, жисмоний тарбия
Манзилми: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.
Тўлжал: Тошкент ирригация ва мелiorация институти ёнида
Манзил: 95, 89, 88-автобусларнинг «Гидрометеорологик марказ». Метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати.
Маълумот учун телефонлар: 137-09-62; 137-09-61.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2007 йил 29 июндаги ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан қузатув жараёни бошланди

№	Корхона номи	Мақоми	СТПР	Рўйхатта олинган қарор саноиси ва рақами	ОКПО	Хўжалик судининг ажрим рақами	Муваққат рақамлари	Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади
1	FAYZI-OROD-SAVDO	ХФ	204797844	19.01.04	000155-03	19321126	10-0717/7918	Абдурахмонов С. (КБ.) 13.07.07 16:00
2	FRAGAT	ХФ	204711017	04.11.03	000041-03	19230843	10-0717/7919	Абдурахмонов С. (ИХ) 13.07.07 16:10
3	KARAT-B	КК	200908231	18.09.95	08-5291/5	15364742	10-0717/7920	Абдурахмонов С. (МБ.) 13.07.07 16:20

Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 13 июлда соат 10.00 да ўтказилади. Қузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.
Банкротлик иши 2007 йил 13 июлда Тошкент шаҳар хўжалик судида судья А.Х.Шукруллаев томонидан Тошкент шаҳар, Миробод тумани ДСИ биносидан (Нукус кўчаси, 23 а-уй) кўрилади.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 10 август кунин соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 2 февралдаги 142/2-сонли ижро ҳужжати асосида тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг автомобиллар сақлаш масканида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 11У15-02 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилганлигини маълум қилади. Автомашинанинг бошланғич баҳоси-450000 сўм.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 26 июль кунин соат 11:00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Чилонзор тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 19 февралдаги 2257/02-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Е-мавзесида жойлашган «Шахстрас» МЧЖнинг автоуловлар сақлаш жойида сақланаётган қуйидаги мотоциклларни қайта қўймоқда.

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.3K00313, рама рақами F430L00141) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.3K00326, рама рақами F130400114) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-

рақ.3K00354, рама рақами F630L00108) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.3K00264, рама рақами F790400019) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.3K00325, рама рақами F330L00020) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.2F.00339, рама рақами F630400156) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

«Yamaha Yam 100S» русумли мотоцикл (двиг.-рақ.3K00280, рама рақами F630400044) **Бошланғич баҳоси-2 000 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бево-сита жойга чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минн банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 10 август кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 28 февралдаги 2444/3-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Ц-мавзеси, 13-уйнинг 1-қаватида жойлашган «Карвон шароб савдо» ШКга тегишли, ум.майд.24,2кв.м. бўлган оմборсифат бино. **Бошланғич баҳоси-8 888 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бево-сита жойга чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минн банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г- 606

Манзилми: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2875 нусxada босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида териди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбоси оқшомининг компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.21